

**“KAFOLAT sug’urta kompaniyasi” AJ Бошқарувининг
Харид комиссияси мажлиси
БАЁНИ**

2022 йил «_13_» январь

__1-Т__-сон

Тошкент шаҳри

Раислик этувчи:

Бошқарув раиси ўринбосари,
Комиссия раиси ўринбосари

В. Грибанова

Комиссия аъзолари:

Суғурта бўйича директор

А. Шаробиддинов

Бухгалтерия бош бухгалтер в.б.

С. Жапаков

Матбуот хизмати раҳбари

Н. Бахадирханова

Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини ривожлантириш
департаменти бош менежери

И. Каримов

Юридик бўлими бошлиғи

Н. Шоназаров

Умумий масалалар бўйича
Департамент бош менежери

Ф. Рахматуллаев

КУН ТАРТИБИ:

“KAFOLAT sug’urta kompaniyasi” AJ Бошқарувининг Миробод тумани А.Темур шох кўчаси 13 ва 13 А-уй манзилида жойлашган маъмурий биноси ҳамда қабулхонасининг сув тизими ва иссиқлик таъминотидаги носозликларни бартараф этиш, шу билан боғлиқ бўлган сантехника ускуналарини йиғиш, ўрнатиш ва ишга тушириш ва ходимларга ишлаш учун шарт-шароит яратиш юзасидан.

Кун тартибидаги масала юзасидан Умумий масалалар бўйича департамент бош менежери Ф.Рахматуллаев сўзга чиқиб, мажлис катнашчиларига, ишлаб чиқариш заруриятига кўра, Компания Бошқарувининг Миробод тумани А.Темур шох кўчаси 13 ва 13 А-уй манзилида жойлашган маъмурий биносида ва қабулхонасида раҳбарият ва ходимларга ишлаш учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида сув тизими ва иссиқлик таъминотидаги носозликларни бартараф этиш, сантехника ускуналарини йиғиш, ўрнатиш ва ишга тушириш хизматларини амалга ошириш зарурлиги юзасидан маълумот берди.

Сўнгра, йиғилиш катнашчиларига умумий масалалар бўйича департамент томонидан сув тизими ва иссиқлик таъминотидаги носозликлар бартараф этиш, сантехника ускуналарини йиғиш, ўрнатиш ва ишга тушириш хизматлари билан шуғулланувчи ташкилотлар орасида маркетинг сўров ишлари олиб борилганлиги, ўрганишлар натижасига кўра 3 та ташкилотлардан қуйидаги тижорат таклифлари келиб тушганлиги ҳақида ахборот берилди:

Хизмат тури	Объект	МЧЖ “FLUSSESTROY”	МЧЖ “ETHERIA”	ЧП “EXCLUSIVE GARDEN”
сув тизими ва иссиқлик таъминотидаги носозликларни бартараф этиш	“KAFOLAT sug’urta kompaniyasi” AJ маъмурий биноси	20 253 000 сўм	17 500 000 сўм	19 850 000 сўм

Шулардан “ETHERIA” МЧЖ томонидан сув тизими ва иссиқлик таъминотидаги носозликлар бартараф этиш, сантехника ускуналарини йиғиш, ўрнатиш ва ишга тушириш хизматлари бўйича берилган таклиф нархи ва шартлари маъкул эканлигини маълум қилиниб, мажлис иштирокчиларига етказилди.

Шундан сўнг, Компания Бошқаруви Юридик бўлими бошлиғи Н. Шоназаров сўзга чиқиб, бугунги кунда хизмат кўрсатиш ва харид қилинадиган маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2018 йил 27 сентябрдаги № ПҚ 3953-сонли “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қароридаги “Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)” рўйхатига мувофиқ, яъни 15 бандидаги “Давлат буюртмачисининг тўлақонли фаолият олиб боришига таъсир кўрсатувчи коммуникациялар, механизмлар, жиҳозлар ва бошқа асбоб-ускуналарнинг ишдан чиқиши ҳолатларида аварияларни бартараф этиш учун товарлар (ишлар, хизматлар) – Компания Бошқарувининг харид комиссияси томонидан баҳоланадиган энг мақбул таклифларни танлаб олиш орқали тузилиши шартлигини таъкидлади.

Муҳокамада В.Грибанова, А.Шаробиддинов, И.Каримов сўзга чиқиб, Ф.Рахматуллаев ва Н.Шоназаров таклифларини қўллаб-қувватладилар.

Комиссия аъзолари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, тақдим этилган тижорат таклифлари ўртасида “ETHERIA” МЧЖнинг Компания маъмурий биносида сув тизими ва иссиқлик таъминотидаги носозликлар бартараф этиш, сантехника ускуналарини йиғиш, ўрнатиш ва ишга тушириш хизматларини жами **17 500 000,0** (ўн етти миллион беш юз минг) сўмга бажариб бериш таклифи маъкул бўлди. Шу билан бирга, бу нархлар бугунги кунда рақобатбардош эканлиги маълум бўлди.

Юқорида қайд этилган масала бўйича билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, харид комиссияси

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Компания Бошқарувининг Миробод тумани А.Темур шох кўчаси 13 ва 13 А-уй манзилида жойлашган маъмурий биносида ва қабулхонасида раҳбарият ва ходимларга ишлаш учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида сув тизими ва иссиқлик таъминотидаги носозликлар бартараф этиш, сантехника ускуналарини йиғиш, ўрнатиш ва ишга тушириш хизматларини бажариш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

2. “ETHERIA” МЧЖ билан ўрнатилган тартибда жами **17 500 000,0** (ўн етти миллион беш юз минг) сўмга шартнома имзоланишига ҳамда ушбу корхона томонидан юқорида кўрсатиб ўтилган ишлар бўйича сув тизими ва иссиқлик таъминотидаги носозликлар бартараф этиш хизматларини кўрсатишга розилик берилсин.

Бошқарув раиси ўринбосари,
Комиссия раиси ўринбосари

Комиссия аъзолари:

Суғурта бўйича директор

Бухгалтерия бош бухгалтер в.б.

Матбуот хизмати раҳбари


Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини
ривожлантириш департаменти бош менежери

Юридик бўлими бошлиғи

Умумий масалалар бўйича
департамент бош менежери



В. Грибанова



А. Шаробиддинов

С. Жапаков

Н. Бахадирханова

И. Каримов



Н. Шоназаров

Ф. Рахматуллаев